

## Ўзбекистон Республикаси номидан ХУКМ

2023 йил сентябрь ойининг ўн биринчи куни жиноят ишлари бўйича Кўшкўпир туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи шу суднинг раиси А.Аминов, судья ёрдамчиси И.Курбонбоевнинг котиблигига, тарафлардан давлат айловчиси Кўшкўпир туман прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси Ж.Атаджанов, жабланувчининг қонуний вакили Г.Ешчанова, судланувчи Х.Хударганова ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Отажонов иштирокида, Хударганова Ханифа Улуғбек қизига нисбатан бўлган 1-2207-2301/46-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хударганова Ханифа Улуғбек қизи (Khudarganova Khanifa), 2000 йил 16 август куни Кўшкўпир туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оиласи, маълумоти ўрта-максус, судланмаган, ишсиз, Кўшкўпир тумани, Xосиён қишлоғи, Тагалак маҳалласи, Жасорат кўчаси, 143-йда яшайди, 2023 йил 27 июнь кунидан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айлов хulosаси нусхасини 2023 йил 24 июль куни олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 102-моддаси 1-қисми билан айланган.

Суд, судланувчи, жабланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Х.Хударганова, Кўшкўпир тумани, Xосиён маҳалласида жойлашган “Хосиён дехқон бозори” МЧЖда, яъни маҳаллий тилда “Кум бозори” деб номланган бозорда норасмий равишда кабобпазлик фаолияти билан шуғулланиб келган фуқаро А.Нурметовнинг тамаддихонасида норасмий равишда ишчи сифатида ишлаб келиб, 2023 йил 6 апрель куни соат 10ларда ушбу тамаддихонага овқатланиш мақсадида кирган фуқаро X.Маменовнинг кабобга қўшимча равишда 100 грамм спиртли ичимлик буюртма қилгани бўйича ушбу тамаддихонанинг бурчагида турган столдаги 1 литр ҳажмдаги “Соса-cola” ичимлиги идишида турган суюқликни “ароқ” спиртли ичимлиги деб ўйлаб, ушбу турдаги баклашкада ароқ спиртли ичимлиги эмас, балки уксус кислотаси ёки бошқа ҳар қандай суюқлик бўлиши мумкинлигини онгли равишда билгани ҳолда, ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши



мумкинлигига қўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равища риоя этмаган ҳолда Ҳ.Маменовга ушбу идишдан пиёлага 100 грамм уксус кислотасини қўйиб бериб, ушбу уксус кислотасини билмасдан ичиб юборган Ҳ.Маменов суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 2 майдаги 8-сонли хulosасига кўра, “уксус кислотасидан ўткир заҳарланиш натижасида келиб чиқкан ўткир ўпка, юрак, жигар ва буйрак етишмовчилиги” оқибатида 2023 йил 7 апрель куни соат 10ларда шифохонада ўлишига сабабчи бўлган.

Судланувчи Ҳ.Хударганова судда айбига тўла икрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам Кўшкўпир тумани, Ҳосиён маҳалласида жойлашган “Ҳосиён дехқон бозори” МЧЖ ҳудудида кабобпазлик фаолияти билан шуғулланувчи А.Нурметовнинг тамаддихонасида норасмий ишчи сифатида ишлаб келаётганини, 2023 йил 6 апрель куни соат 10ларда тамаддихонага овқатланиш мақсадида мижоз Ҳ.Маменов ва унинг турмуш ўртоғи Г.Ешчанова келганини, шунда Ҳ.Маменов кабобга қўшимча равища 100 грамм ароқ буюртма қилганини, кейин тамаддихонанинг бурчагида турган столдаги бир литр ҳажмли “Сoca-cola” ичимлиги баклашкасида бўлган суюқликни ароқ деб ўйлаб, пиёлага 100 грамм солиб, Ҳ.Маменовга берганини, Ҳ.Маменов ушбу пиёладаги суюқликни ичганини, сўнг уни мазаси қоча бошлаганини, шундан кейин Ҳ.Маменовга ароқ ўрнига уксус кислотасини солиб берганини билганини, сўнг турмуш ўртоғи Я.Жуманиёзов Ҳ.Маменовни шифохонага олиб кетганини, Ҳ.Маменовга шифокорлар тиббий ёрдам кўрсатишларига қарамасдан, у шифохонада вафот қилганини, Ҳ.Маменовнинг оила-аъзоларидан кечирим сўраганини, жабрланувчининг қонуний вакили Г.Ешчановани даъвоси йўқлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий ахволини инобатга олиб, енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Г.Ешчанова судда, ҳақиқатдан ҳам жабрланувчи Ҳ.Маменов турмуш ўртоғи бўлишини, 2023 йил 6 апрель куни Ҳ.Маменов билан “Ҳосиён дехқон бозори” МЧЖ ҳудудида жойлашган “Қум бозори”га борганларини, нонушта қилиш учун А.Нурметовнинг тамаддихонасига кирганларини, ундан олдин Ҳ.Маменов А.Нурметовдан ароқ бор-йўқлигини сўраганини, шунда А.Нурметов ароқ борлигини, ичкарига киришлари мумкинлигини билдирганини, шунда Ҳ.Маменов кабоб буюртма бериб, шу ерда хизмат қилиб юрган қизга 100 грамм ароқ ҳам олиб келишини сўраганини, кейин Ҳ.Хударганова кичик пиёлани олиб келиб, стол устига қўйганини, сўнг унга 100 грамм ароқ соганини, кейин Ҳ.Маменов ароқни ичиб, қорнини ушлаб, шу ерда ётиб қолганини, ўзи шу ердаги фуқароларни ёрдамга чақирганини, шунда Ҳ.Маменов Ҳ.Хударгановадан нима берганини сўраганида, у ароқ берганини айтганини, сўнг Я.Жуманиёзов келиб, Ҳ.Маменовни кўтариб, такси автомашинасида қишлоқ врачлик пунктига олиб борганини, шифокор Ҳ.Маменовни ахволи оғирлигини айтганини, кейин уни Кўшкўпир туман тез тиббий ёрдам бўлимига олиб борганини, шифокорлар Ҳ.Маменовга тез тиббий ёрдам кўрсатганларини, лекин Ҳ.Маменов эртаси куни соат 09да вафот қилганини, турмуш ўртоғига



воқеа бўлган куни кабобхона эгаси ёки ишчилари ёрдам бермаганини, унга Х.Хударганова ароқ ўрнига уксус кислотаси берганини кейинчалик билганини, ҳозирда Х.Хударганова кечирим сўраганини, унга нисбатан даъвоси йўклигини, оила-аъзоларининг фикри ҳам шундай эканлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гуваҳ **Я.Жуманиёзов** суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам Х.Хударганова турмуш ўртоғи бўлишини, у билан ишлаб пул топиш мақсадида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ҳосиён дехқон бозори” МЧЖда кабоб пишириб сотиш билан шуғулланувчи **А.Нурметовнинг** тамаддихонасида ишлашларини, Х.Хударганованинг вазифаси ичкарида мижозларга қарашиб, чой ва нон қўйиш, кабоб бериш, идишларни тозалашдан иборатлигини, 2023 йил 6 апрель куни соат 10ларда Х.Хударганова билан кабобхонада мижозларга хизмат кўрсатаётган вақтида **Ҳ.Маменов** ва унинг турмуш ўртоғи Г.Ешchanova келганини, улар кабоб буюртма қилиб, ичкарига кириб ўтирганларини, сўнг уларга олти сих кабоб олиб кириб берганини, шу пайтда **Ҳ.Маменов** Х.Хударгановага бир пиёла, яъни 100 грамм ароқ буюртма қилганини, кейин Х.Хударганова кабобхонанинг бурчагидаги кабоб, нон, чой турадиган столда “Coca-cola” баклашкасида турган уксусни ароқ деб ўйлаб, шундан битта пиёлага солиб, **Ҳ.Маменовга** олиб бориб берганини, кейин **Ҳ.Маменов** ушбу пиёладаги уксусдан ичиб, ўзини ёмон ҳис қилиб, йўтала бошлаганини, кейин уни юзига сув сепиб, қўл юзини ювиб, унга сув ичирганларини, сўнг уни елкасига ортган ҳолда “Cobalt” русумли такси автомашинасига миндирганини ва Г.Ешchanova билан бирга Ҳайробод қишлоқ врачлик пунктига олиб борганини, у ерда шифокорлар зудлик билан **Ҳ.Маменовни** туман шошилинч тез ёрдам бўлимига олиб бориши лозимлигини айтганларини, кейин уни Г.Ешchanova билан бирга туман марказига юборганини, бироздан сўнг туман ИИБ ходимлари воқеа жойига келиб, ҳолатни расмийлаштирганларини, ушбу кабобхонада спиртли ичимлик ҳар доим сотилиб келинганини, ароқ шишиасида олиб келиниб, баклашкага солиб қўйилишини, мижозлар сўраганида ушбу баклашкадан солиб берилишини, ушбу воқеа бўлганида кабобхонада Х.Хударганова, опаси **Ҳ.Жуманиёзова**, ишчи Р.Нуржонов, А.Нурметов ва унинг турмуш ўртоғи И.Рўзметова бўлганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гуваҳ **Ҳ.Жуманиёзова** суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ҳосиён дехқон бозори” МЧЖда **А.Нурметовнинг** тамаддихонасида укаси **Я.Жуманиёзов**, келини **Х.Хударганова** билан бирга ишлашларини, 2023 йил 6 апрель куни соат 09-30ларда улар билан мижозларга хизмат кўрсатаётган вақтида **Ҳ.Маменов** ва унинг турмуш ўртоғи Г.Ешchanova келганини, улар кабоб буюртма қилиб, ичкарига кириб ўтирганларини, укаси уларга кабобни киритиб берганини, шу пайтда **Ҳ.Маменов** Х.Хударгановага 100 грамм ароқ буюртма қилганини, кейин Х.Хударганова кабобхонанинг бурчагидаги столда “Coca-cola” баклашкасида турган уксусни ароқ деб ўйлаб, шундан битта пиёлага солиб **Ҳ.Маменовга** берганини, **Ҳ.Маменов** ушбу пиёладаги уксусдан ичиб, ўзини ёмон ҳис



қилганини, йўтала бошлаганини, унинг юзига сув сепиб, кўл юзини ювганини, унга сув ичирмоқчи бўлганини, лекин у ўзини яна ёмон ҳис қила бошлаганини, Г.Ешchanova тез ёрдам чақириб беришларини сўраганини, бироқ Я.Жуманиёзов вақтдан ютиш мақсадида елкасига ортиб, такси автомашинаси орқали шифохонага олиб кетганини, бироздан сўнг туман ИИБ ходимлари келиб, ҳолатни расмийлаштирганларини, кабобхонада баклашкада мижозларга спиртли ичимлик сотиб келинганини, ушбу баклашка кабобхонага кирган жойда чап тарафдаги столнинг тагида туришини, 6 апрель куни уксус тайёрлаш учун олиб келинган уксус “Соса-cola” баклашкасида бўлганини, унинг ёнида ароқ солинган баклашка ҳам турганини, шунинг учун ҳам X.Хударганова адашиб, ароқ солинган баклашкани оламан деб, уксус солинган баклашкадан пиёлага уксус солиб, X.Маменовга берганини, ушбу воқеа бўлганида кабобхонада Я.Жуманиёзова, X.Хударганова, ишчи Р.Нуржонов, А.Нурметов ва унинг турмуш ўртоғи И.Рўзметова бўлганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Р.Нуржонов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам қўшниси А.Нурметовнинг кабобхонасида уларга ёрдамлашиб келаётганини, 2023 йил 6 апрель куни соат 10ларда “Ҳосиён дехқон бозори” МЧЖда А.Нурметов билан биргаликда кабоб пишириб турганида, ичкаридан баландроқ овозлар чиқа бошлаганини, ичкарига кириб, мижоз X.Маменов стул устида узунасига ётганини, ранги оқариб кетганини кўрганини, унинг турмуш ўртоғи Г.Ешchanova X.Маменовнинг боши томонда ўтириб, тез ёрдамга қўнғироқ қилишни айтиб бақирганини, шу пайтда А.Нурметов ва унинг турмуш ўртоғи И.Рўзметованинг айтгани бўйича Я.Жуманиёзова X.Маменовни кўтариб, шифохонага олиб кетганини, кейинчалик X.Хударганова X.Маменовга ароқ деб ўйлаб, уксус берганини билганини, вақтдан ютқазмаслик мақсадида Я.Жуманиёзов тахминан 10 дақиқа ичида X.Маменовни Г.Ешchanova билан бирга такси автомашинаси орқали олиб кетганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Нурметов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам Шовот туманида ташкил қилинган “Душам ота Алишер чойхонаси” оиласи корхонасини бошқариб келишини, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни Қўшқўпир тумани, Ҳосиён маҳалласида жойлашган “Ҳосиён дехқон бозори” МЧЖда кабоб пишириб сотиш билан шуғулланишини, 2023 йил 6 апрель куни соат 10ларда “Ҳосиён дехқон бозори” МЧЖда мижозларга хизмат кўрсатаётган вақтларида бирдан тамаддихона ичкарисида қичқириқ овози эшилганини, дарҳол ичкарига кириб, нима бўлганлигини сўраганида, мижоз X.Маменовнинг турмуш ўртоғи Г.Ешchanova ишчи X.Хударганова турмуш ўртоғига уксус ичирганини, телефонида тез ёрдамга қўнғироқ қилиб беришини сўраганини, шу пайтда X.Маменов стул устида узунасига ётганини, шунда унга тез ёрдамга қўнғироқ қилинса, вақтдан ютқазишини, такси автомашинаси орқали шифохонага олиб бориш кераклигини айтганини ва ишчиси Я.Жуманиёзовга тезда X.Маменовни шифохонага олиб боришини тушунтирганини, сўнг уларни Г.Ешchanova билан биргаликда шифохонага



юборганини, кейин ишчилардан сўраб, ишчиси Х.Хударганова адашиб, уксусни ароқ деб ўйлаб, қўйиб берганини, мижоз Ҳ.Маменов эса пиёладаги уксусдан ичганини билганини, 10-15 дақиқадан сўнг Я.Жуманиёзов кабобхонага қайтиб келганини ва Ҳ.Маменовни шу ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктига олиб борганини, у ердан шифокор билан шу машинада туман марказига кетганларини айтганини, бирордан сўнг кабобхонасига туман ИИБ ходимлари келиб, у ерни кўздан кечириб, уларни ҳудуддаги профилактика инспекторининг хизмат хонасига олиб кетганларини, олдинлари кабобхонасида спиртли ичимлик сотилганини, ушбу ҳолат бўлганида кабобхонада турмуш ўртоғи И.Рўзметова, ишчилари Я.Жуманиёзова, Х.Хударганова ва Р.Нуржонов бўлганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд муҳокамасида гувоҳ тариқасида сўралган И.Рўзметова, дастлабки терговдаги кўрсатувини тасдиқлаб, гувоҳ А.Нурметовнинг юқоридаги кўрсатуви билан бир хил мазмунда кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Мадаминов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам Кўшкўпир тумани, Хосиён маҳалласи профилактика инспектори лавозимида хизмат қилишини, 2023 йил 6 апрель куни соат 10-30ларда туман ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси қўнғироқ қилиб, унга беркитилган ҳудудда жойлашган “Хосиён деҳқон бозори” МЧЖ ҳудудида, яъни маҳаллий тилда “Кум бозор” деб номланган бозорда Ҳ.Маменов бозордаги кабобхонада уксус ичиб заҳарланиб, шифохонага тушганлиги ҳақида хабар берилганини, ҳамкасби Б.Абдуллаев билан бозор ҳудудида кабобпазлик фаолияти билан шуғулланувчи А.Нурметовнинг тамаддихонасида холислар иштирокида воқеа жойини кўздан кечирганларини, шунда ушбу тамаддихонада норасмий равишда ишлаб келаётган Х.Хударганова кабоб истеъмол қилиш учун келган мижоз Ҳ.Маменов 100 грамм спиртли ичимлик буюртма қилганини, шунга асосан бир литрлик ҳажмдаги баклашкада турган уксус кислотасини адашиб, ароқ спиртли ичимлиги деб ўйлаб, кичик пиёлага қўйиб берганини, ушбу пиёладаги уксусни ичиб юборган Ҳ.Маменовнинг соғлиги ёмонлашиб, шифохонага олиб кетилганини билганларини, шундан сўнг холислар иштирокида шу ердан бир дона бир литр ҳажмдаги “Coca-cola” баклашасини ва бир дона кичик пиёлани текшириб кўриш учун ҳужжатлаштириб олганларини, кейин хизмат хонасида А.Нурметов ва барча ишчилардан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олганларини, ҳужжатлаштириб олинган бир литр ҳажмдаги баклашкада суюқлик бўлмаганини, шу ердаги ишчилардан сўраганида, тўкиб ташланганини билдирганларини, ушбу баклашкани хидлаб кўрганларида, уксус кислотасининг ҳиди келиб турганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд, давлат айловчисининг хulosасини, химоячининг фикрини, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, судланувчи Х.Хударганованинг айбига тўла икрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, унинг айби жабрланувчининг қонуний вакили Г.Ешчанова, гувоҳлар Я.Жуманиёзов, Ҳ.Жуманиёзова, Р.Нуржонов,



А.Нурметов, И.Рўзметова ва А.Мадаминовнинг судда берган кўрсатувлари, билдиргилар, жабрланувчининг қонуний вакилини аризаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 2 майдаги 8-сонли хulosаси, юзлаштириш баённомалари, жабрланувчининг қонуний вакилини кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, “DVD+R” диски ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблади.

Суд, юқорида қайд этилган далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, улар ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда олинган бўлиб, уларни ишончга сазовор объектив далиллар деб топиб, судланувчи Х.Хударганованинг айбини исботловчи мақбул далиллар деб ҳисоблади.

Пировардида суд, суд жараёнида жабрланувчининг қонуний вакили, судланувчи ва гувоҳдан ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўркитиш, ҳукукларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олинишига ҳаракат қилинганлигини тасдиқловчи далиллар келтирилмаганлиги сабабли ишдаги ҳар бир далил ишга алоқадор ва ишончли деб баҳолайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Хударганованинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 102-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади.

Суд, судланувчи Х.Хударгановага нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига қўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг



мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши, жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган заарнинг миқдори ва хусусияти, айборнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиниши кераклиги ҳақида;

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши ва 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айборнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи X.Хударгановага нисбатан жазо чораси ва турини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ва “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорларидағи раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, унинг айбига тўла иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноятга биринчи марта қўл урганлигини, оиласвий шароитини, ҳозирда ҳомиладорлигини, аёллигини, моддий ахволи ва имкониятини, ишсизлигини, муқаддам судланмаганлигини, жиноят натижасида етказилган заарлар бартараф этилганини, жабрланувчининг қонуний вакилини даъвоси йўқлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблашни, шунингдек, жиноят содир қилишдан олдинги ва ундан кейинги ижобий хулқ-атворини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган заарнинг хусусиятини, судланувчининг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, унга ЖКнинг 102-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, тайинланган жазони ўташни доимий яшаш жойида белгилашни, жазони ижро этишдан бўйин товлашини олдини олиш мақсадида унинг зиммасига яшаш жойидаги ички ишлари бўлими ЖXX Пробация гурухининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартириш ва Хоразм вилоят маъмурий ҳудудидан ташқарига чиқишни тақиқлашни қўшимча чеклаш сифатида юклашни, тайинланган жазони ижро этишни Кўшқўпир туман ИИБ ЖXX Пробация гурухи томонидан амалга оширишни, жазони муддатини маҳкума Пробация гурухida ҳисобга қўйилган кундан бошлаб



хисоблашни, ҳукм қонуний кучга киргач, дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган эҳтиёт чорани бекор қилишни белгилашни;

- келгусида судланувчи жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишини олдини олиш мақсадида унга ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 5 ва 6-қисмлари талабларини тушунтиришни белгилашни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича олинган ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси талабларига ва Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 9-бандидаги тушунтишларга асосан, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишида сақланаётган ва 2023 йил 6 апрелда ҳодиса жойидан текшириш учун олинган, Ҳ.Маменовга уксус кислотаси қуйиб берилган бир литр ҳажмдаги “Coca-cola” ичимлиги идишини ҳамда бир дона пиёлани йўқ қилишни, жабрланувчининг қонуний вакилини кўрсатувларини ҳодиса жойида текшириш тергов харакати жараёни туширилган бир дона “DVD+R” дискини жиноят ишида сақланаётганини инобатга олишни белгилашни лозим топади.

Суд, жиноят натижасида манфаатдор тарафларга етказилган заарлар масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчининг қонуний вакили Г.Ешchanованинг судланувчи Х.Хударгановага нисбатан давъоси йўқлиги ҳақидаги аризасини инобатга олишни шу билан бирга, ҳукм қонуний кучга киргач, манфаатдор томонларга етказилган бошқа моддий ва маънавий заарларни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларига амал қилиб, суд

## ҲУКМ ҚИЛДИ:

Судланувчи Хударганова Ханифа Улуғбек қизи (Khudarganova Khanifa) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 102-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Хударганова Ханифа Улуғбек қизига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 102-моддаси 1-қисми билан 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хударганова Ханифа Улуғбек қизига сутканинг соат 22<sup>00</sup>дан 06<sup>00</sup>гача бўлган даврида доимий яшаш жойи Кўшкўпир тумани, Хосиён қишлоғи, Тагалак маҳалласи, Жасорат кўчаси, 143-йдан чиқиш чеклансин.

Хударганова Ханифа Улуғбек қизига озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида қуидаги тақиқлар, яъни

- Кўшкўпир туман ИИБ ЖХХ Пробация гурухининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартириш;

- Хоразм вилоят маъмурий ҳудудидан ташқарига чиқиш чеклансин.



Тайинланган озодликни чеклаш жазосини ижро этиш Қўшқўпир туман ИИБ ЖХХ Пробация гурухи томонидан амалга оширилсин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазосини муддати маҳкума Қўшқўпир туман ИИБ ЖХХ Пробация гурухидаги ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Хукм қонуний кучга киргач, судланувчи Х.Хударгановага нисбатан кўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва унинг гаров эҳтиёт чораси учун 2023 йил 23 июнда Хоразм вилоят прокуратурасининг “Ипотека-банк” АТИБ Хоразм вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 7.000.000 сўм пул маблағи гаровга қўювчи Хударганова Ханифа Улуғбек қизига қайтарилилсин.

Хударганова Ханифа Улуғбек қизига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган бир литр ҳажмдаги “Coca-cola” ичимлиги идиши ва бир дона пиёла хукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин;

- бир дона “DVD+R” диски жиноят ишида сақланаётганлиги инобатга олинсин.

Манфаатдор томонларга етказилган бошқа моддий ва маънавий заарларни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуки тушунтирилилсин.

Хукм устидан тарафлар хукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили хукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдиришлари мумкин.

**Раислик қилувчи судья**

(имзо)

**А.Аминов**

**Аслига тўғри:**

